

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИДА ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР

М.А. Каримова

АндМИ Гуманитар фанлар кафедраси
мудири вазифасини бажарувчи

Аннотация:

Воҳа худудидаги зардуштийлик динида чорвачилик билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар фалсафий таҳлил қилинган. Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзида айнан чорвачилик билан боғлиқ зардуштийликка хос маросимлар махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Зеро, неолит давриданок, яъни, ушбу давр Калтаминор маданиятига оид маконлардан чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ сигир ва қўй суяклари топилган

Калит сўзлар: чорвачилик, маосимлар, неолит, Калтаминор, чўпон, тотемизм, Сара хўкиз.

Турон заминида умргузаронлик қилган аجدодларимиз турмуш тарзида ўз изини қолдирган зардуштийлик дини билан боғлиқ удумлар, маросимлар, ривоят ва афсоналар минг йиллар оша бугунги кунгача етиб келган. Айнан ушбу фикрни узоқ йиллардан буён минтақада олиб борилган археологик изланишлари натижасида қўлга киритилган моддий ашёлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, қадимги Хоразм воҳасида С.П.Толстов раҳбарлигидаги археология ва этнография экспедициясининг олиб борган тадқиқотлари натижасида тўпланган материаллар, уларнинг илмий талқини чорвачилик билан боғлиқ урф-одатларни ўрганишда муҳим ашёвий далил ва илмий-назарий манба бўлиб ҳисобланади.[1]Тарихдан маълумки, хўжалик муносабатлари тарихига оид энг қадимги манбалардан бири бу – зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авеста” бўлиб, унда чорва ва чорвадорларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, “Тоҳ”ларда “чорва моллари учун яйловлар мўл бўлган бу сарзаминларга олқишлар бўлсин!”, “Чорвачилик ривожланган, буғдойлари мўл ҳосил берадиган экинзорларни олқишлайман” [2] каби мадҳлар учрайди. Чорвадорларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари, чўпонлар фольклори, чорвачилик билан боғлиқ хўжалик ҳаёти этнографик нуқтаи назардан маълум даражада ўрганилган бўлса-да[3], Хоразм воҳаси



Ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзида айнан чорвачилик билан боғлиқ зардуштийликка хос маросимлар махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Зеро, неолит давриданок, яъни, ушбу давр Калтаминор маданиятига оид маконлардан чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ сигир ва кўй суяклари топилган[4].

Энди ривожланган динга эга жамиятга нисбатан шу фикрни таъкидлаш мумкинки, бир вақтлари юқори даражада эъзозланадиган инончлар доирасида бўлган ҳайвонларга хос қолдиқларнинг кишилиқ маконларидан топилиши билан боғлиқ ҳодисаларининг типик қирраларини илғаб олиш ва уларнинг генетик илдизларини тотемизм билан боғлаш жуда мураккаб масаладир.

Ислон динида зоолатрия (ҳайвонларга ишонч) мавжуд эмас[5]. Бу бизга Ўрта Осиё, қисман Хоразмдаги ҳайвонлар ишончи билан алоқадор қолдиқларни таҳлил қилиш, уларнинг тарихий ўхшашлари(прототиплари)ни Ўрта Осиёнинг асл деҳқончилик, чорвачилик маданияти теграсидан, бу ерда мустаҳкам эътиқод даражасига кўтарилган зардуштийлик анъаналарини излашда кенг йўл очиб беради. Тарихий асосида зардуштийлик дини ақидалари ётадиган кўплаб ибтидоий урф-одатлар вақт ўтиши билан аста-секин хиралаша бошлаганлиги кўзга ташланади. Шу билан бирга, минтақада зардуштийликка содиқ бўлган кўплаб ибтидоий топиниш шакллари, шу жумладан, ҳайвонот дунёсини муқаддаслаштириш билан алоқадор урф-одатларнинг ҳали амалда эканлигини Хоразм этнографик материаллари тўла тасдиқлайди.

Хоразм ва унга яқин ҳудудда бундан минг йиллар аввал сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, хонадон ва сурув чорвачилиги йўлга қўйилган. Шу сабабли Хоразмдаги жониворлар билан боғлиқ эътиқодий муносабатларда кўпроқ уй ҳайвонлари кўзга ташланади. Уларнинг орасида энг кўп эътиқод қўйилган биринчи даражали ҳайвонлар сифатида хўкиз, қўй, туя ва итни кўрсатиш мумкин. Дарё бўйида яшовчи аҳоли орасида ўз аҳамияти жиҳатидан балиқ ҳам алоҳида ўрин эгаллайдики, ушбу ҳолат Амударё бўйидаги географик шароитда балиқчиликнинг махсус машғулот сифатида шаклланганлиги билан изоҳланади.

Хоразм аҳолисининг қорамолларга муносабати айниқса, эътиборга моликдир. Хоразмда **“Сара хўкиз”** иборасини кўп эшитиш мумкин. Бу ерда деҳқончиликда асосий ишчи кучи вазифасини бажарган хўкизни уриш, айниқса, тепиш қаттиқ қораланади ва оғир айб саналади. “Агар хўкиз ётган



бўлса, уни қўл билан елкасига секин туртиб, ўрнидан қўзғатиш лозим”, дея уқтиради кекса деҳқонлар.

Афсонага кўра, ҳўкизни биринчи бўлиб қўшга ўргатган Бободехқондир.[6] Қорамоллар, айниқса, ҳўкизларга худди одам сингари ғамхўрлик қилинган. Агар ҳўкиз ёки сигир касалланса, ёмон кўзлар ва бало-қазолардан асрашига умид қилиниб, уларнинг бўйнига тумор осилган. Худди шундай туморлар бузоқларга ҳам осиб қўйилган. Қорамолларга ҳам худди инсонлар сингари исирик тутатганлар, янги туғилган бузоқ шарафига кичик маросим ўтказилган. Энди ушбу уй ҳайвонларининг айримларига қисқача тўхталиб, улар билан боғлиқ зардуштийлик удум ва маросимларининг воҳа ҳудудларида ҳозирга қадар сақланганлигини кўриб чиқамиз.

Зардушт фалсафаси ва унда илгари сурилган чорва моллари тўғрисидаги панду насиҳатларга хоразмликлар милоддан аввалги VI асрнинг ўрталаридан бошлаб ҳозирга қадар риоя қилиб келмоқдалар. Жумладан, “Авеста”да от, майда ва йирик шохли қорамол, майда туёқли уй ҳайвонларини парвариш қилганлар иймонли инсонлар ҳисобланган.[7] Зардушт бош илоҳ Ахурамаздадан “Ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги тўртинчи ер қаер?” – деб сўраганида, Ахурамазда: “Бундай жой қўйлар суруви ва биялар уюри энг кўп парвариш қилинадиган заминдир” деб жавоб берган. [8] “Хурдак Авеста”да “Чорвани отарларга қайтариш байрами”, яъни Айатрана маросими ўтказилган. [9]

Шунингдек, ота-боболар руҳини ёд этишда ҳам қўй ёки қўчқор қурбонлик қилиниб, гўштидан таом тайёрланиб, маҳалла-қўй, қўни-қўшни, яқин қариндошлар чақирилиб, эҳсон берилган ёки қурбонлик гўшти муҳтож оилаларга тарқатилган. Шу билан бирга, қўчқор жунидан туморлар тайёрланиб, уларни тақиб юриш одати ҳам бўлган.

Оролбўйи тарихи тадқиқотчиси Б.В.Андриановнинг қайд қилишича, ушбу ҳудудда ҳўкиз афсонасининг сув тошқини билан боғлиқ жиҳатларига ишонч кенг тус олган.[10]

Археологик ва этнографик тадқиқотларда айнаи ҳўкиз – *“нон руҳи”*нинг тимсоли эканлигини тасдиқловчи қатор маълумотлар мавжуд. Масалан, қадимда қорамолнинг қони кушхоналардан йиғиб олиниб, тупроқ билан аралаштирилган ва далаларга сочилган. Шунга қисман ўхшаш одат юқорида ҳам қайд этилган эди. Айнан дала экинларининг униб-ўсиши ва ривожланиши учун бундай ўғитлаш усули ҳам баракали ҳисобланган. Шу билан бирга,



хоразмликлар эрта баҳорда ҳўкизни суғориш иншоотлари ҳавзаларига атаб қурбонлик қилганликлари манбаларда кўп тилга олинади. [11]

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган тарихий маълумот ва таҳлиллар натижаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Хоразм воҳаси ўзбеклари анъанавий турмушида сақланиб келаётган турли хил удум, маросим ва урф-одатлар ибтидоий динлар замирида шаклланган.[12] Ўзбекларнинг қадимий диний тасаввурлар ва тушунчалар билан боғлиқ маросим ҳамда урф-одатлари ҳозиргача сақланиб қолганлиги воҳа ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзи, айниқса, Ҳазорасп, Хива, Хонқа, Гурлан ва Урганч туманлари аҳолисининг тўй ҳамда бошқа маросимлари ва байрамларида намоён бўлиши тадқиқот давомида бевосита кузатилди ҳамда аниқ мисоллар орқали ўз тасдиғини топди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримова М. А., Нажимидинова Д. Ғ. ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ВА БОЛА ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 69-76.
2. Нажимидинова Д. Ғ. ОИЛА ТИНЧЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 77-81.
3. Атаханов Р. С., Ахунов М. А. КАРАКАЛПАКЫ ФЕРГАНЫ: В ПРОШЛОМ И НАСТОЯЩЕМ (анализ полевых исследований) //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 82-90.
4. Ахунов М. А. ЗМ БОБУР АСАРЛАРИДА АДОЛАТЛИ ДАВЛАТ ҒОЯСИ ХУСУСИДА //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 91-95.
5. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.
6. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. Обряды, связанные с посещением мазаров у женщин Ферганы: традиция и современность //Международный научно-исследовательский журнал. – 2015. – №. 6-4 (37). – С. 72-74.
7. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
8. Abduqayumovna K. M. INTERACTION OF OBJECT, SUBJECT AND SYNERGETIC CATEGORIES IN SCIENTIFIC WORK //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 25-29.



9. Каримова М. Improving technical philosophy and changing human thinking //О 'zbekiston milliy universiteti xabarlar, 2022,[1/5] issn 2181-7324.
10. Абдуллаев, Улугбек Сайданович, and Рафик Сотволдиевич Атаханов. "ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКО-КИРГИЗСКИХ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ (ПО МАТЕРИАЛАМ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)." Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов 2 (2014): 120-124.
11. Abdullayev U. S. TRAINING OF HIGHER EDUCATION PEADGOGICAL CADRES IN UZBEKISTAN DURING THE INDEPENDENCE YEARS: PROBLEMS AND SOLUTIONS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 125-129.
12. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
13. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар //XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс. – 2005. – Т. 2006. – С. 5.
14. Абдуллаев У. С. Изучение однопациональных и национально-смешанных семей в сельских местностях Андижанской обл //Новое в этнографии. – 1989. – №. 1. – С. 85.
15. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.

